



11 август 2017 й.г. № 612

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат дон инспекцияси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3179-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳужалиги вазири З.Т.Мирзаев ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекцияси бошлиғи З.Н.Абидов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А.Арипов



Ўзбекистон Республикаси	Вазирлар
Маҳкамаси	Давлат дон
инспекцияси	№ 49-2411-01
Тошкент шаҳри	11.08.17г.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Давлат дон инспекцияси туғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг (кейинги ўринларда “Ўздавдонинспекция” деб аталади) мақоми, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари, масъулиятини ва фаолияти ташкил этилишини белгилайди.

2. “Ўздавдонинспекция” давлат ресурсидаги дон, мойли экинлар, уларнинг уруғлари, шунингдек ун, ёрма, кепак, қўшимча маҳсулотлар, чиқиндилар, омухта озуқаларнинг (кейинги ўринларда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари деб аталади) сифати, сақланиши ва улардан оқилона фойдаланилиши юзасидан давлат назорати соҳасида махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади

3. “Ўздавдонинспекция” ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига бўйсунди.

4. “Ўздавдонинспекция”, “Ўздавдонинспекция”нинг марказий лабораторияси (кейинги ўринларда марказий лаборатория деб аталади) ва “Ўздавдонинспекция”нинг ҳудудий лабораториялари (кейинги ўринларда ҳудудий лабораториялар деб аталади), Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳудудий инспекциялари (кейинги ўринларда ҳудудий инспекциялар деб аталади) “Ўздавдонинспекция”нинг ягона тизимини ташкил қилади.

5. Ҳудудий инспекциялар, марказий ва ҳудудий лабораториялар юридик шахс ҳисобланмайдилар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан мустақилдир ва бевосита “Ўздавдонинспекция”га бўйсундилар.

6. «Ўздавдонинспекция» ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилади.

7. «Ўздавдонинспекция» ўз фаолиятини давлат ва ҳужалик бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хорижий, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

8. “Ўздавдонинспекция”нинг ўз ваколатлари доирасида давлат ресурсидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сақланишини, улардан оқилона ва мақсадли фойдаланилишини, шунингдек уларнинг ифлосланиши, камайиши ва нобуд бўлишига йўл қўймасликни таъминлашда аниқланган қоида бузилишларини бартараф этиш бўйича курсатмалари ва хулосалари ҳужалик юритувчи субъектлар ҳамда бошқа юридик шахслар томонидан бажарилиши мажбурийдир.

9. «Ўздавдонинспекция» юридик шахс ҳисобланади, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга ва бланкаларга, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Газначилигида шахсий ҳисоб рақамларига ҳамда қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳисоб рақамларига эга бўлади.

«Ўздавдонинспекция»нинг жойлашган манзили (почта манзили): Тошкент шаҳри, Ц-14, 27-уй, индекси 100011.

2-боб. «Ўздавдонинспекция»нинг вазифалари ва функциялари

10. Куйидагилар "Ўздавдонинспекция"нинг асосий вазифалари ҳисобланади:

давлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини ошириш соҳасида давлат сиёсатининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш;

давлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларидаги белгиланган мақсадда оқилона фойдаланилиши, уларнинг сифатли сақланиши ва нобуд бўлишини қисқартиришнинг таъминланиши, давлат ресурсларига харид қилинадиган доннинг ҳамда дуккакли, мойли экинлар уруғлари миқдорини ва сифатини аниқлашнинг ҳамда донни етиштириш, қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида улар учун ҳисоб-китобларнинг ишончлилиги юзасидан давлат назоратини амалга ошириш;

дон ва донни қайта ишлашни техник бошқариш соҳасидаги норматив-техник ҳужжатлар талабларига, шунингдек уларни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлашда ва экспорт-импорт операцияларида сифатини синаш методлари талабларига риоя этилиши юзасидан тизимли назоратни олиб бориш;

республика ичидаги ташишларда, давлат захираси жойини ўзгартиришда сифат сертификатлари берган ҳолда экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини давлат томонидан мажбурий текширишларни ўтказиш;

мамлакат ичида ва экспорт-импорт операцияларида фойдаланиладиган дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари буйича низоли масалаларни ўз ваколати доирасида ҳал этиш;

давлат ресурсларига келиб тушадиган янги дон ҳосили сифатини ўрганиш.

11. "Ўздавдонинспекция" узига юкланган вазифаларни бажариш учун куйидаги функцияларни амалга оширади:

а) давлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини оширишга доир давлат сиёсатининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш соҳасида:

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш давлат дастурларини тайёрлашда, шунингдек дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини баҳолаш методлари ва воситаларини ишлаб чиқадиган илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишда қатнашади;

давлат ресурсларидаги дон сифатининг ёмонлашиши, уларнинг нобуд бўлиши ҳолати ва сабабларини аниқлайди, зарурат бўлганда, уларни бартараф этиш буйича курсатмалар беради ҳамда давлат ресурсидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини сақлаш ва улардан фойдаланиш борасидаги ишларнинг ҳолати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, маҳаллий давлат ҳокимияти органларини хабардор қилади;

давлат ресурси, давлат захираси ва доннинг сугурта фондидаги озиқ-овқат баланси ҳажмлари ва таркибини бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда келишади, шунингдек дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг экспорт-импорт операцияларида уларнинг ҳажмлари ва таркиби буйича таклифларни шакллантиради;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати масалалари буйича ҳудудий ва халқаро ҳамкорлик қилишда белгиланган тартибда қатнашади;

"Ўздавдонинспекция" тизими кадрларини тайёрлаш, уларнинг касбий тайёргарлигини ошириш буйича ишларни ташкил қилади;

б) давлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларидан белгиланган мақсадда оқилона фойдаланилишини, уларнинг сифатли сақланишини ва нобудгарчилиги қисқартирилишини таъминлаш юзасидан давлат назоратини амалга ошириш соҳасида:

куйидагилар юзасидан назоратни белгиланган тартибда амалга оширади:

донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналари томонидан дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини зарур даражада жойлаштиришни, қайта ишлашни, реализация қилишни ҳамда уларнинг сифатли сақланишини таъминлаш;

дон сифатини аниқлашнинг ва унинг учун товар ишлаб чиқарувчилар ва бошқа етказиб берувчилар томонидан ҳисоб-китобларнинг, давлат ресурсидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари ҳисобини юритишнинг, давлат захираси ва сугурта фондининг ишончлилиги, дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари нобудгарчилигини ҳисобдан чиқаришнинг асосланганлиги;

омихта озуқаларни ишлаб чиқариш учун улар сифатининг техник кўрсаткичлари, улар сифатининг норматив-техник ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг сарфланган партиялари юзасидан тозалаш далолатномаларини кўриб чиқади ва тасдиқлайди;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини, сақлаш муддатлари ўтишини аниқлайди ва келгусида улардан фойдаланиш имконияти тўғрисида хулосалар беради;

давлат ресурсидаги донни сақлаш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган корхоналар ва ташкилотлар раҳбарларининг унинг сифати, сақланиши ва ундан оқилона фойдаланиш масалалари буйича ҳисоботларини эшитади;

в) дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига норматив-техник ҳужжатлар талабларига, шунингдек қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида уларнинг сифатини синаш методларига риоя этилиши юзасидан тизимли назорат олиб бориш соҳасида:

нобудгарчиликнинг белгиланган нормалари тўғри ва асосли қўлланиши, дон етиштирадиган, қабул қиладиган ва уни қайта ишлайдиган корхоналарда давлат ресурсидаги дондан ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг чиқиш нормасига ва сифатига риоя этилиши юзасидан давлат назоратини амалга оширади;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари учун техник тартибга солиш соҳасида Ўзбекистон Республикаси норматив ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда ва келишишда, донни қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт-импорт операцияларида синашнинг амалдаги норматив-техник ҳужжатлари ва методлари

талабларига риюя этилиши юзасидан тизимли назоратни амалга оширишда қатнашади;

г) мажбурий давлат текширувини ўтказиш соҳасида:

республика ичидаги ташувларда, давлат резерви жойини ўзгартиришда, дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан экспорт-импорт операцияларини амалга оширишда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатининг мажбурий давлат текширувини амалга оширади;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларига сифат сертификатлари беради;

д) мамлакат ичида ва экспорт-импорт операцияларида фойдаланиладиган дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати бўйича низоли масалаларни ҳал этиш соҳасида:

республика ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар ўргасида пайдо бўладиган низоли ҳолатларда, шунингдек экспорт-импорт операцияларида ўз ваколатлари доирасида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифати бўйича синовлар ўтказиш ҳамда жисмоний ва юридик шахслар учун мажбурий бўлган хулосалар беради.

"Ўздавдонинспекция"нинг дон маҳсулотлари сифати бўйича хулосаси узил-кесил ҳисобланади;

е) давлат ресурсларига келиб тушадиган янги дон ҳосили сифатини ўрганиш соҳасида:

доннинг сифати ва технологик хоссаларини ўрганиш, кишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифатини ошириш ва давлат реестрини шакллантириш, шунингдек ундан оқилона фойдаланиш бўйича таклифлар бериш учун манфаатдор идоралар ва дон этиштирувчилар учун тегишли тавсияномалар тайёрлаш мақсадида янги дон ҳосилини ҳар йили текширувдан ўтказиш.

"Ўздавдонинспекция" қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

3-боб. "Ўздавдонинспекция"нинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

12. "Ўздавдонинспекция" ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сақлаш, қайта ишлаш ва сотиш ташкилотларини белгиланган тартибда текшириш, зарураг бўлганда, донни қабул қилиш ва қайта ишлаш корхоналарида автомобиль ҳамда темир йўл транспорти орқали қабул қилинаётган ҳамда юклаб жунатилаётган давлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари партияларини, шунингдек давлат захирасидаги дон партиялари миқдорини назорат тартибда тарозида қайта тартиб кўриш;

дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини баҳолаш, қабул қилиш, жойлаштириш, сақлаш ва қайта ишлаш қоидаларининг аниқланган бузилишларини белгиланган муддатда бартараф этиш юзасидан кўрсатмалар бериш;

ташкilotларда дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларидан белгиланган тартибда намуналар олиш, синовлар ўтказиш учун уларнинг лабораторияларидан фойдаланиш ҳамда зарур ҳолатларда текшириш билан боғлиқ ишларни бажариш учун "Ўздонмаҳсулот" АК ташкilotлари мутахассисларини жалб қилиш, шунингдек зарур

ҳолатларда текширилаган ташкилотлар раҳбарларига дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари намуналари бўйича қўшимча тадқиқотлар ўтказиш масадида тегишли лабораторияларга жўнатишга кўрсатмалар бериш;

давлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари қолдиқлари туғрисидаги маълумотларнинг ишончилиги асосли равишда шубҳа туғдирган ҳолатларда улар бўйича навбатдан ташқари хатлов ўтказилишини тайинлаш ёки, стандарт усулида қадоқланган бўлса, қайта тарозидан ўтказиш;

сифати бўйича стандарт талабларига, техник шартларга ва хавфсизлик нормаларига жавоб бермайдиган дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотишни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақиқлаш чораларини кўриш;

зарур ҳолатларда давлат ресурси ва давлат захирасидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотларининг камомадлари ёки сифати бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларга нисбатан материалларни тегишли органларга юбориш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри инспекциялари, таркибий бўлинмалар орқали нодавлат ресурсларидаги дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари билан операцияларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахсларга шартнома асосида дон ва донни қайта ишлаш маҳсулотлари сифатини баҳолаш, шунингдек ўз ваколатлари доирасида бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш.

“Ўздавдонинспекция” қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. “Ўздавдонинспекция” ва унинг мансабдор шахслари ўзларига юкланган вазифалар ва функцияларнинг самарали амалга оширилиши учун жавоб берадилар.

4-боб. “Ўздавдонинспекция” фаолиятини ташкил этиш

14. “Ўздавдонинспекция”га Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бошлиқ бошчилик қилади.

“Ўздавдонинспекция” бошлиғининг белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бир нафар ўринбосари бўлади.

“Ўздавдонинспекция” бошлиғи мақомига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига, бошлиқ ўринбосари - вазир ўринбосарига тенглаштирилади.

Худудий лабораториялар мудирлари ўз фаолиятини жойлашган жойидаги худудий инспекциянинг бош инспектори раҳбарлигида амалга оширадилар. Худудий лабораторияларга методик раҳбарлик марказий лаборатория томонидан амалга оширилади.

15. “Ўздавдонинспекция” бошлиғи:

“Ўздавдонинспекция” фаолиятига умумий раҳбарликни яқка бошчилик асосида амалга оширади ҳамда “Ўздавдонинспекция”га юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

“Ўздавдонинспекция” ваколатига кирувчи масалалар бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда киритади;

Ўз ваколатлари доирасида “Ўздавдонинспекция” марказий аппарати ва унинг ҳудудий инспекциялари, марказий ва ҳудудий лабораториялари ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;

“Ўздавдонинспекция” марказий аппарати, марказий ва ҳудудий лабораториялари, ҳудудий инспекциялари тузилмасига ўзгартиришлар киритади, ходимларнинг белгиланган умумий сони доирасида штатлар жадвалини, шунингдек «Ўздавдонинспекция»нинг харажатлар сметасини тасдиқлайди;

“Ўздавдонинспекция»нинг ҳудудий инспекциялари, марказий ва ҳудудий лабораториялари тузилмасини ва улар туғрисидаги низомларни белгиланган тартибда тасдиқлайди;

“Ўздавдонинспекция” марказий аппарати ходимларини, ҳудудий инспекциялар, марказий ва ҳудудий лабораториялар раҳбарлари ҳамда ходимларини белгиланган тартибда лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

“Ўздавдонинспекция”нинг молия-ҳўжалик фаолиятини режалаштиради ва ташкил этади;

“Ўздавдонинспекция”нинг ходимларини рағбатлантириш, уларнинг интизомий жавобгарлиги масалаларини ҳал қилади, алоҳида ўрнатилган курсатган ходимларини фахрий унвонлар беришга ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан мукофотлашга тавсия этади.

“Ўздавдонинспекция” бошлиғи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

5-боб. “Ўздавдонинспекция” ходимларини моддий рағбатлантириш

16. Инспекция ходимларини моддий рағбатлантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

17. Инспекция ходимларининг иш ҳақи лавозим маоши, мукофотлар, моддий ёрдам, қўшимча ҳақ, устамалар ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган рағбатлантириш тўловларидан иборат бўлади.

18. Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, бюджет маблағлари ҳисобига шакллантириладиган бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ва бюджет ташкилотини ривожлантириш жамғармаси, шунингдек қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар маблағлари инспекция ходимларига иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантириш манбалари ҳисобланади.

6-боб. Яқунловчи қоида

19. “Ўздавдонинспекция”ни тугатиш ва қайта ташкил этиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.



11 " августа 2017 й. г. № 612

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Об утверждении Положения о Государственной хлебной инспекции при
Кабинете Министров Республики Узбекистан**

Во исполнение постановления Президента Республики Узбекистан от 8 августа 2017 года № ПП-3179 «О мерах по совершенствованию деятельности Государственной хлебной инспекции при Кабинете Министров Республики Узбекистан» Кабинет Министров постановляет:

1. Утвердить Положение о Государственной хлебной инспекции при Кабинете Министров Республики Узбекистан согласно приложению.
2. Министерствам и ведомствам в месячный срок привести принятые ими нормативно-правовые акты в соответствие с настоящим постановлением.
3. Контроль за исполнением настоящего постановления возложить на Заместителя Премьер-министра – министра сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан Мирзаева З.Т. и начальника Государственной хлебной инспекции при Кабинете Министров Республики Узбекистан Абидова З.Н.

Премьер-министр
Республики Узбекистан

А.Арипов



ПОЛОЖЕНИЕ
о Государственной хлебной инспекции
при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Глава 1. Общие положения

1. Настоящее Положение определяет статус, задачи, функции, права, ответственность и организацию деятельности Государственной хлебной инспекции при Кабинете Министров Республики Узбекистан (далее – Узгосхлебинспекция).

2. Узгосхлебинспекция является органом государственного управления, специально уполномоченным в области государственного контроля за качеством, сохранностью и рациональным использованием государственного ресурса зерна, масличных культур, их семян, а также муки, крупы, отрубей, побочных продуктов, отходов, комбикормов (далее – зерно и продукты его переработки).

3. Узгосхлебинспекция в своей деятельности подчиняется Кабинету Министров Республики Узбекистан.

4. Узгосхлебинспекция, центральная лаборатория Узгосхлебинспекции, (далее – центральная лаборатория) и региональные лаборатории Узгосхлебинспекции (далее – региональные лаборатории), территориальные инспекции Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента (далее – территориальные инспекции) образуют единую систему Узгосхлебинспекции.

5. Территориальные инспекции, центральная и региональные лаборатории не являются юридическим лицом, независимы от органов государственной власти на местах и подчиняются непосредственно Узгосхлебинспекции.

6. Узгосхлебинспекция в своей деятельности руководствуется Конституцией и законами Республики Узбекистан, постановлениями палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан, указами, постановлениями и распоряжениями Президента Республики Узбекистан, постановлениями и распоряжениями Кабинета Министров Республики Узбекистан, настоящим Положением и иными нормативно-правовыми актами.

7. Узгосхлебинспекция осуществляет свою деятельность во взаимодействии с органами государственного и хозяйственного управления, правоохранительными органами, государственной власти на местах, негосударственными некоммерческими, зарубежными, международными и другими организациями.

8. Предписания и заключения Узгосхлебинспекции, выданные в пределах ее полномочий в части устранения выявленных нарушений при обеспечении сохранности, рационального и целевого использования, а также недопущения порчи, недостатков и потерь зерна и продуктов его переработки государственных ресурсов, являются обязательными для исполнения хозяйственными субъектами и иными юридическими лицами.

9. Узгосхлебинспекция является юридическим лицом, имеет печать со своим наименованием и бланк с изображением Государственного герба Республики Узбекистан, а также лицевые счета в Казначействе Министерства финансов Республики Узбекистан и другие банковские счета в соответствии с законодательством.

Местонахождение Узгосхлебинспекции (почтовый адрес): г.Ташкент, Ц-14, дом 27, индекс 100011.

Глава 2. Задачи и функции Узгосхлебинспекции

10. Основными задачами Узгосхлебинспекции являются:

обеспечение безусловного исполнения государственной политики в области повышения качества зерна и продуктов его переработки государственных ресурсов;

осуществление государственного контроля за рациональным использованием по целевому назначению, обеспечением качественной сохранности и сокращением потерь государственных ресурсов зерна и продуктов его переработки, за достоверностью определения количества и качества закупаемых в государственные ресурсы зерна и семян, бобовых, масличных культур и расчетов за них на зернопроизводящих, хлебоприемных и зерноперерабатывающих предприятиях;

ведение систематического контроля за соблюдением требований нормативно-технической документации в области технического регулирования на зерно и продукты его переработки, а также методов испытаний их качества при приемке, хранении, переработке и экспортно-импортных операциях;

проведение обязательного государственного инспектирования качества зерна и продуктов его переработки при внутривнутриреспубликанских перевозках, перемещении государственного резерва, осуществлении экспортно-импортных операций, с выдачей сертификатов качества;

решение в пределах своей компетенции спорных вопросов по качеству зерна и продуктов его переработки, используемых внутри страны и при экспортно-импортных операциях;

изучение качества зерна нового урожая, поступающего в государственные ресурсы.

11. Для выполнения возложенных на нее задач Узгосхлебинспекция осуществляет следующие функции:

а) в области обеспечения безусловного исполнения государственной политики в области повышения качества зерна и продуктов его переработки государственных ресурсов:

участвует в подготовке государственных программ повышения качества и рационального использования зерна и продуктов его переработки, а также взаимодействует с научно-исследовательскими организациями, осуществляющими разработку методов и средств оценки качества зерна и продуктов его переработки;

выясняет обстоятельства и причины ухудшения качества, потерь зерна государственных ресурсов с выдачей, при необходимости, предписаний по их устранению и информирует Кабинет Министров Республики Узбекистан, органы государственной власти на местах о состоянии дел с сохранностью и использованием государственного ресурса зерна и продуктов его переработки;

согласовывает совместно с другими министерствами и ведомствами объемы и структуру продовольственного баланса государственного ресурса, государственного резерва и страхового фонда зерна, а также формирует предложения по объемам и структуре при экспортно-импортных операциях с зерном и продуктами его переработки;

участвует в установленном порядке в региональном и международном сотрудничестве по вопросам качества зерна и продуктов его переработки;

организует работу по подготовке кадров системы государственной хлебной инспекции, повышению их профессиональной подготовки.

б) в области осуществления государственного контроля за рациональным использованием по целевому назначению, обеспечением качественной сохранности и сокращением потерь государственных ресурсов зерна и продуктов его переработки:

осуществляет в установленном порядке контроль:

за обеспечением хлебоприемными и зерноперерабатывающими предприятиями надлежащего порядка размещения, переработки, реализации зерна и продуктов его переработки, и их качественной сохранности;

за достоверностью определения качества зерна и расчетов за него с товаропроизводителями и другими поставщиками, ведения учета зерна и продуктов его переработки государственного ресурса, государственного резерва и страхового фонда, обоснованностью списания убыли зерна и продуктов его переработки;

за техническими показателями качества комбикормов и сырья для их производства, определением соответствия их качества требованиям, установленными нормативно-техническими документами;

рассматривает и утверждает акты зачистки на израсходованные партии зерна и продуктов его переработки;

определяет качество зерна и продуктов его переработки с истекшими сроками хранения и выдает заключения о возможности их дальнейшего использования;

заслушивает отчеты руководителей предприятий и организаций, занимающихся хранением и переработкой зерна государственных ресурсов, по вопросам качества, сохранности и его рационального использования;

в) в области ведения систематического контроля за соблюдением требований нормативно-технических документов на зерно и продукты его переработки, а также методов испытаний их качества при приемке, хранении, переработке и экспортно-импортных операциях:

осуществляет государственный контроль за правильным и обоснованным применением установленных норм убыли, соблюдением норм выхода и качеством продукции, вырабатываемой из зерна государственного ресурса на зернопроизводящих, хлебоприемных и зерноперерабатывающих предприятиях;

участвует в разработке и согласовании проектов нормативных документов Республики Узбекистан в области технического регулирования на зерно и продукты его переработки, ведении систематического контроля за их исполнением, проведении контроля за соблюдением требований действующих нормативно-технических документов и методов испытаний при приемке, хранении, переработке и экспортно-импортных операциях;

г) в области проведения обязательного государственного инспектирования:

проводит обязательное государственное инспектирование качества зерна и продуктов его переработки при внутриреспубликанских перевозках, перемещении государственного резерва, осуществлении экспортно-импортных операций с зерном и продуктами его переработки;

выдаёт сертификаты качества на зерно и продукты его переработки;

д) в области решения спорных вопросов по качеству зерна и продуктов его переработки, используемых внутри страны и при экспортно-импортных операциях:

в спорных случаях, возникающих между хозяйствующими субъектами на территории республики, а также в пределах своей компетенции при экспортно-импортных операциях проводит испытания по качеству зерна и продуктов его переработки и выдает заключения, обязательные для физических и юридических лиц.

Заключение Узгосхлебинспекции по качеству хлебопродуктов является окончательным;

е) изучение качества зерна нового урожая, поступающего в государственные ресурсы:

проводит ежегодное обследование зерна нового урожая с целью изучения его качества и технологических свойств, подготовку соответствующих рекомендаций заинтересованным ведомствам и производителям зерна для повышения его качества и формирования государственного реестра сельскохозяйственных культур, а также предложений по его рациональному использованию.

Узгосхлебинспекция осуществляет и другие функции в соответствии с законодательством.

Глава 3. Права и ответственность Узгосхлебинспекции

12. Для выполнения возложенных на нее задач и функций Узгосхлебинспекция имеет право:

в установленном порядке проводить проверки организаций, которые производят, хранят, перерабатывают и реализуют государственные ресурсы зерна и продукты его переработки, проводить при необходимости на хлебоприемных и зерноперерабатывающих предприятиях контрольные перевесы поступающих и отгружаемых автомобильным и железнодорожным транспортом партий зерна государственных ресурсов и продуктов его переработки, а также государственного резерва зерна;

выдавать предписания об устранении в назначенный срок обнаруженных нарушений правил оценки качества, приемки, размещения, хранения и переработки зерна и продуктов его переработки;

отбирать в установленном порядке пробы зерна и продуктов его переработки на организациях, пользоваться их лабораториями для проведения анализов и привлекать в случае необходимости специалистов организаций АК «Уздонмахсулот» для выполнения работ, связанных с проверкой, а также давать в необходимых случаях руководителям проверяемых организаций предписания о направлении проб зерна и продуктов его переработки в соответствующие лаборатории для дополнительных исследований;

назначать внеочередную инвентаризацию с перевеской остатков государственных ресурсов зерна и продуктов его переработки или пересчетом продукции, упакованной по стандартной массе, когда достоверность данных об остатках зерна и продукции обоснованно вызывает сомнение;

применять в установленном законодательством порядке меры запрета на производство и реализацию зерна и продуктов его переработки, не отвечающих по качеству требованиям стандартов, техническим условиям и нормам безопасности;

направлять в необходимых случаях в соответствующие органы материалы в отношении должностных лиц, виновных в образовании недостачи, ухудшении качества или порчи зерна и продуктов его переработки государственного ресурса и государственного резерва;

оказывать юридическим и физическим лицам, осуществляющим операции с зерном и продуктами его переработки негосударственных ресурсов, через инспекции и структурные подразделения Республики Каракалпакстан, областей и города Ташкента на договорной основе услуги по оценке качества зерна и продуктов его переработки, а также другие виды услуг в пределах своей компетенции.

Узгосхлебинспекция может иметь и иные права в соответствии с законодательством.

13. Узгосхлебинспекция и ее должностные лица несут ответственность за эффективное осуществление возложенных на них задач и функций.

Глава 4. Организация деятельности Узгосхлебинспекции

14. Узгосхлебинспекцию возглавляет начальник, назначаемый на должность и освобождаемый от должности Президентом Республики Узбекистан по представлению Премьера-министра Республики Узбекистан.

Начальник Узгосхлебинспекции имеет одного заместителя, который назначается на должность и освобождается от должности Кабинетом Министров в установленном порядке.

Начальник Узгосхлебинспекции по статусу приравнивается к первому заместителю министра, заместитель начальника – к заместителю министра.

Заведующие региональными лабораториями осуществляют свою деятельность под руководством главного инспектора территориальной инспекции по месту дислокации. Методическое руководство региональных лабораторий осуществляется центральной лабораторией.

15. Начальник Узгосхлебинспекции:

осуществляет на основе единоначалия общее руководство деятельностью Узгосхлебинспекции и несет персональную ответственность за выполнение возложенных на Узгосхлебинспекцию задач и функций;

вносит в установленном порядке на рассмотрение в Кабинет Министров Республики Узбекистан проекты нормативно-правовых актов по вопросам, входящим в компетенцию Узгосхлебинспекции;

издает в пределах своей компетенции приказы и распоряжения, обязательные к исполнению работниками центрального аппарата, территориальных инспекций, центральной и региональных лабораторий Узгосхлебинспекции;

вносит изменения в структуру, утверждает штатное расписание центрального аппарата, центральной и региональных лабораторий, территориальные инспекции в пределах установленной общей численности, а также смету расходов Узгосхлебинспекции;

утверждает в установленном порядке структуру и положения о территориальных инспекциях, центральной и региональных лабораториях Узгосхлебинспекции;

в установленном порядке назначает на должность и освобождает от должности работников центрального аппарата, руководителей и работников территориальных инспекции, центральной и региональных лабораторий Узгосхлебинспекции;

планирует и организует финансово-хозяйственную деятельность Узгосхлебинспекции;

решает вопросы о поощрении и дисциплинарной ответственности работников Узгосхлебинспекции, представляет особо отличившихся работников к присвоению почетных званий и награждению государственными наградами Республики Узбекистан.

Начальник Узгосхлебинспекции осуществляет другие полномочия в соответствии с законодательством.

Глава 5. Материальное стимулирование работников Узгосхлебинспекции.

16. Материальное стимулирование работников инспекции осуществляется в соответствии с законодательством.

17. Зарботная плата работников инспекции состоит из должностного оклада, премий, материальной помощи, доплат, надбавок и поощрительных выплат, предусмотренных законодательством.

18. Источниками выплаты заработной платы работникам инспекции и осуществления материального стимулирования работников являются средства фонда оплаты труда, специального фонда материального стимулирования работников бюджетных учреждений и организаций формируемые за счет бюджетных ассигнований и фонда развития бюджетной организации, а также иных источников, не запрещенных законодательством.

Глава 6. Заключительное положение

19. Ликвидация и реорганизация Узгосхлебинспекции осуществляется в порядке, установленном законодательством.



